

# Морфология

- Азаматжон
- Рахимов
- Усманжанович

## Отларнинг семантик таснифи

Бир нарса-буюм ёки бир турдаги нарса-буюмларни ифодалашига кўра	Ифодалаган тушунчанинг ҳарактерига кўра	Яккалик, жаликни ифодалашига кўра	Сўрогоға кўра	Саналиш-саналмаслигига кўра
Атоқли от – турдош от	Конкрет от – абстракт от	Якка от – тўда от	Киши отлари – нарса отлари	Саналадиган от – саналмайдиган от

# Эгалик категорияси

Шахс	Бирлик		Кўплик	
	Унли билан тугаган морфемага қўшилганда	Ундош билан тугаган морфемага қўшилганда	Унли билан тугаган морфемага қўшилганда	Ундош билан тугаган морфемага қўшилганда
I шахс (сўзловчи)	-м (онам)	-им (китобим)	-миз (онамиз)	-имиз (китобимиз)
II шахс (тингловчи)	-нг (онанг)	-инг (китобинг)	-нгиз (онангиз)	-ингиз (китобингиз)
III (ўзга)	-си (онаси)	-и (китоби)	-си (онаси, оналари)	-и (китоби, китоблари)

## Келишик категорияси

1.	<b>Бош келишик</b>		Ким?, нима?, қаер?	Нилуфар, китоб, Тошкент
2.	<b>Қаратқич келишиги</b>	<b>-нинг</b>	Кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?	Нилуфарнинг, китобнинг, Тошкентнинг
3.	<b>Тушум келишиги</b>	<b>-ни</b>	Кимни?, нимани?, қаерни?	Нилуфарни, китобни, Тошкентни
4.	<b>Чиқишик келишиги</b>	<b>-дан</b>	Кимдан?, нимадан?, қаердан?	Нилуфардан, китобдан, Тошкентдан
5.	<b>Жүналиш келишиги</b>	<b>-га</b>	Кимга?, нимага?, қаерга?	Нилуфарга, китобга, Тошкентга
6.	<b>Үрин-пайт келишиги</b>	<b>-да</b>	Кимда?, нимада?, қаерда?	Нилуфарда, китобда, Тошкентда

# Қисқартма отлар

## Қисқартириш усуллари

Қисмларнинг бош  
ҳарфларини олиш  
орқали

Биринчи қисмни  
биринчи бўғини,  
қолган қисмларининг  
биринчи ҳарфларини  
олиш орқали

Ҳар бир  
компонентнинг  
биринчи бўғинлари  
ёки бош қисмларини  
олиш орқали

Биринчи  
компонентнинг  
биринчи бўғини ёки  
бош қисми ва қолган  
компонентларнинг  
тўла шаклини олиш  
орқали

БМТ, ХХР, ГФР

ЎзР, ТошМИ

Саркотиб, райпо

райгаз, ижроқўм

## Сифатнинг маъно турлари

1	2	3	4	5	6	7
Хусусият билдирувчи сифатлар: камтар, қувноқ	Ҳолат билдирувчи сифатлар: кекса, тинч	Шакл билдирувчи сифатлар: новча ,ясси , узунчоқ	Ранг-тус билдирувчи сифатлар: қизил, сариқ	Маза, таъм билдирувчи сифатлар: аччик, нордон	Хид билдирувчи сифатлар:ху шбўй, қўланса	Нарса-буюмнинг вақтга кўра белгисини билдирувчи сифатлар: кузги, кечки

# Сифат даражалари

№	Сифат даражалари	Маъноси	Сифат даражаларини ифодаловчи воситалар	Мисоллар
1	Оддий дарака	Белгининг ортиқ-камликка муносабати ифодаланмайди	-	Яхши, ширин, баланд
2	Ортирима дарака	Белгининг мўлжалдан ортиқлигини, кучлилигини ифодалайди	Фонетик восита: бош бўғинни сифат олдидан такрорлаш Ургу Лексик восита: жуда, гоятда, ниҳоятда, беҳад	Сап-сариқ, тўппа-тўғри, қип-кизил Бала:нд, но:рдон, а:ччиқ Гоятда катта, жуда кичик, ниҳоятда гўзал, беҳад хурсанд
3	Озайтирима дарака	Белгининг мўлжалдан камлиги, кучсизлигини ифодалайди	Лексик восита: сал, бироз, хиёл Морфологик восита: -роқ, -мтири (-имтири), -иш	Сал аччиқ, бир оз аччиқ, хиёл аччиқ Каттароқ, кичикроқ, сарғимтири, кўқимтири, сарғиши, кўкиши

## Олмошларнинг семантик таснифи

Маъно турлари		Изоҳи	Олмошлар
1	Кишилик олмошлари	Шахсга нисбатан ишлатилади	Соф <b>кишилик олмошлари</b> : мен, сен, биз, сиз. <b>Кишилик кўрсатиш олмошлари</b> : у, улар
2	Кўрсатиш олмошлари	Шахс, предмет ёки белгини кўрсатади.	У, бу, шу, ўша, мана шу, ушбу
3	Сўроқ олмошлари	Сўзловчига маълум бўлмаган нарсани сўраш	Ким, нима, қаер, қайси, қандай, неча, қанча, қачон, нега, нимага, қани
4	Ўзлик олмоши	Ҳар учала шахс бирлик ва кўпликтаги кишилик олмошлари ўрнида кўлланиб, кўринча шахсни, баъзан предметни кўрсатади.	Ўз

## Соннинг семантик таснифи

Соннинг семантик гурухлари	Семантик гурухлар	Воситалар	Мисоллар
Миқдор сонлар	Саноқ сон	-та, -тадан	Икки, иккита, иккитадан
	Чама сон	1) Морфологик воситалар: -лаб, -ларча 2) Композицион восита- редупликация 3) Лекиск воситалар: чамаси, камида, ортиқ, яқин , чоғли 4) Композицион восита:	1) Юзлаб, юзларча, юзтacha, бешларда 2) Бир-икки кун, ўн-ўн беш минут 3) Ўндан ортиқ киши, камида ўн киши. 4) эллик-олтмиштacha
	Жамловчи сон	-ов, -ала, -овлашиб, -овлон	Икковимиз, иккаламиз, икковлашиб, икковлон
	Каср сон	Сон + дан + сон Ярим, чорак, нимчорак	Учдан бир, учдан икки; ярим кеча, чорак аср, нимчорак финал
Тартиб сон		-нчи, -инчи	Биринчи , иккинчи

# Феъл

№	Феълнинг лексик- грамматик хусусиятла рига кўра турлари	Мисоллар	Фарқловчи белгилари
1	Мустақил феъллар	Ўқимоқ, ёзмоқ	<p>1) Мустақил маънога эга бўлади ва гапнинг бирор бўлаги вазифасини бажаради;</p> <p>2) Бирор сўзни бошқариб келади;</p> <p>3) Объектга муносабатда бўлади. Шунга кўра улар объектли ва объектсиз феълларга бўлинади;</p> <p>4) Феълга ҳос грамматик категорияларга ва функционал шаклларга эга</p>
2	Ёрдамчи феъллар	<p>1) Сўз ясаш учун хизмат қилувчи ва боғлама вазифасини бажарувчи ёрдамчи феъллар: бўл (хурсанд бўлмоқ), қил (ҳабар қилмоқ), эт (хурсанд этмоқ), айла(сайр айламоқ)</p> <p>2) Феълларга бирикиб, турли қўшимча маъно ифодаловчи ёрдамчи феъллар: чиқ (ўқиб чиқмоқ), қол (ухлаб қолмоқ)</p> <p>3) эди, эмиш, экан тўлиқсиз феъллари</p>	Мустақил маъно англатмайди.

<b>Маъно турлари</b>	<b>Изоҳи</b>	<b>Олмошлар</b>
5 Жамлаш - белгилаш олмошлари	Предмет ва шахсларнинг йифиндисини, тўдасини билдиради ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатади.	1) Жамлаш олмошлари: ҳамма, бари, барча 2) Белгилаш олмошлари: ҳар + сўроқ олмоши: ҳар бир, ҳар нарса
6 Бўдишсизлик олмошлари	Барча предмет йаки белгининг инкорини – бўлишсизлигини билдиради.	Ҳеч+сўроқ олмоши: ҳеч бир, ҳеч нарса.
7 Гумон олмошлари	Предмет, белги ёки ҳодиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурга ишора қиласи	1) алла+сўроқ олмоши: аллаким, алланарса ва бошқалар 2) Сўроқ олмоши+дир: кимдир нимадир 3) Сўроқ олмоши+ҳам: кимниҳам эслади. 4) бирор: бирор чақирди 5) Фалон: фалон ишлар қилинди.

# Феълнинг грамматик категориялари

1	2	3	4	5
Нисбат категорияси	Бўлишли- бўлишсизлик категорияси	Майл категорияси	Замон категорияси	Шахс-сон категорияси

# Феълнинг категориал ва функционал шакллари

## Категориал шакллар

## Нокатегориал (функционал) шакллар

1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
Нисбат шаклла ри	Майл шаклла ри	Замон шаклла ри	Шахс-сон шаклла ри	Бўлиш ли-бўлиш сизлик шаклла ри	Ҳарака тниг такрор ийлиги ни ифодал овчи шаклла ри	Ҳарака тниг кучсиз лигини ифодал овчи шаклла ри	Равиш дош шаклла ри	Сифат дош шаклла ри	Ҳарака т номи шаклла ри


# Нисбат категорияси

№	Феъл нисбатлари	Маъноси	Кўшимчалари	Мисоллар
1	Бош нисбат	Ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини билдиради		Олди, келди
2	Ўзлик нисбат	Ҳаракатнинг объектга муносабатини кўрсатади	-н (-ин), -л (-ил)	Кийинди, мақтанди, кўзғолди
3	Орттирма нисбат	Ҳаракатга мажбур қилиш, унга йўл қўйиш маъноларини билдиради	-дир(-тири), -газ(-гиз,-газ,-қаз,-қиз, -каз, -киз), -т, -из, -ир, -ар, -сат	Уздир, келтир, кўргаз, ўтказ, ўқит, тўқит, оқиз, томиз, ичир, пишир, чиқар, қайтар, кўрсат
4	Мажхул нисбат	Ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлади, унга эътибор қилинмайди, у грамматик субъект тарзида ифодаланмайди	-л(-ил), -н(-ин)	Айтилди, сўралди Килинди, тозаланди
5	Биргалик нисбат	Ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажарилишини билдиради	-ш(-иш)	Ўқишиди, айтишиди, сўрашиди

# Бўлишли-бўлишсизлик категорияси

Турлари	Кўрсат кичлари	Маъноси	Мисоллар
Бўлишли феъллар		Ҳаракатнинг тасдигини билдиради	Борди, келди, ўқийди
Бўлишсиз феъллар	-ма	Феълларнинг деярли барча шакларида қўлтаниб, ҳаракатнинг инкорини билдиради	Бормади, келмади. Ўқимади
	Эмас	Нарса-буом, белги ва ҳаракатнинг инкорини ифодалайди, феълларнинг –ган ва –моқчи шакллари билан бирга келади	Одам эмас, яхши эмас, келган эмас
	йўқ	-ган ва -ётган аффикслари ёрдамида ясалувчи ва ўтган ва хозирги замон феълларининг инкорини билдиради	Борган(и) йўқ, келган(и) йўқ

# Майл категорияси

№	Турлари	Майл кўрсаткичлари		Майл парадигмалари		Маъноси
1	Ижро майли			Ўқидим, ўқияпман, ўқийман, ўқидинг, ўқияпсан, ўқийсан, ўқиди, ўқияпти, ўқийди		Ҳаракат-ҳолатни унинг бажарилиш вақти билан боғлиқ ҳолда ифодалайди. Бу майлда ҳаракатнинг бажарилиши-бажарилмаслиги (ижроси) тушунчаси мавжуд бўлади
2	Буйрук-истак майли	бирлик	кўплик	Бирлик	Кўплик	Сўзловчининг истаги билан боғлиқ ҳолдаги ундаш, шу ҳаракатга даъват этиш, қўзғатиш маъносини ифодалайди.
		I ш.-й(-ай)	-йилик(-айлик) -нг(-инг)	Ўқий, ёзай, ўки, ўқигин, ёз, ёзгин, ўқисин,	Ўқийлик, ёзайлик, ўқинг, ўқингиз, ёзинг, ёзингиз, ўқисинлар, ўқишин, ёзишин	
		II ш. 0-гин	-нгиз (-ингиз) -синлар, -ишсин	ўзин		

№	Турлари	Майл кўрсаткичлари	Майл парадигмалари		Маъноси
3	Шарт майли	-са	Ўқисам, ўқисанг, ўқиса	Ўқисак, ўқисангиз(ўқисанг лар) ўқисаларинг, ўқисаларингиз, ўқисангизлар, ўқисалар	Бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган ҳаракатни пайт ва истак маъноларини ифодалайди.
4	Мақсад майли	-моқчи	Бормоқчи ман, бормоқчис ан, бормоқчи	Бормоқчимиз, бормоқчисиз (лар), бормоқчи (лар), бормоқчи	Субъектнинг ҳаракатнинг бажариш мақсади ифодаланади